



ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

# ЎТМИШГА НАЗАР

9 ЖИЛД, 5/2 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ  
ТОМ 9, НОМЕР 5/2

LOOK TO THE PAST  
VOLUME 9, ISSUE 5/2



ТОШКЕНТ-2026

**Бош муҳаррир:**  
**Главный редактор:**  
**Chief Editor:**

**Муртазаева Рахбар Хамидовна**  
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Бош муҳаррир ўринбосари:**  
**Заместитель главного редактора:**  
**Deputy Chief Editor:**

**Джураева Нилуфар Далибаевна**  
тарих фанлари номзоди, профессор,  
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

## ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

**Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич**  
тарих фанлари доктори (DSc), профессор, академик,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Бобожонова Дилором Бобожонова**  
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,  
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

**Юнусова Хуршида Эркиновна**  
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Аширов Адхам Азимбаевич**  
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,  
ЎзР. ФА. Тарих институти

**Агзамова Гулчехра Азизовна**  
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,  
ЎзР. ФА. Тарих институти

**Бурдиашвили Майя**  
тарих фанлари доктори (DSc),  
Телави давлат университети

**Кожакеева Ляззат Темировна**  
тарих фанлари доктори (DSc), доцент,  
Хотин-қизлар давлат педагогика университети

**Аминова Азиза Марковна**  
тарих фанлари доктори (DSc), доцент,  
Навоий давлат педагогика институти

**Ульжаева Шохистахон Мамажоновна**  
тарих фанлари доктори (DSc),  
Тошкент ирригация ва кишлок хужалигини механизациялаш мухандислари институти Миллий тадқиқот университети

**Худайқулов Тулқин Дўстбоевич**  
Тарих фанлари доктори (DSc)  
Шаҳрисабз дала педагогика институти

**Гофоров Шокир Сафарович**  
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,  
Самарқанд давлат университети

**Эргашева Юлдуз Алимовна**  
Тарих фанлари доктори (DSc), профессор,  
Қариши давлат техника университети

**Халикова Рахбар Эргашевна**  
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,  
Тошкент давлат техника университети

**Ишанходжаева Замира Райимовна**  
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Эшов Боходир Жўраевич**  
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,  
Қариши давлат университети

**Махкамova Надира Рахмановна**  
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,  
Тошкент ахборот технологиялари университети

**Кебадзе Мадонна**  
тарих фанлари доктори (DSc),  
Телави давлат университети

**Абдуллаева Яхшибека Атамуратовна**  
тарих фанлари доктори (DSc), доцент,  
Нукус давлат педагогика институти

**Мустафаева Нодири Абдуллаевна**  
тарих фанлари доктори (DSc),  
Ўзбекистон Фанлар академияси

**Ермегов Аваз Абдуллаевич**  
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Хайдаров Ғайратбек Мирзапўлатович**  
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,  
Андижон давлат университети

**Рашидов Ойбек Расулович**  
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,  
Тошкент давлат иқтисодиёт университети

**Расулов Абдуллажон Нуриддинович**  
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,  
Наманган давлат университети

**Ковалев Борис Николаевич**  
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,  
Санкт-Петербург Тарих институти

**Кобзева Ольга Петровна**  
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Ауанасова Алима Мусировна**  
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,  
Қозогистон давлат тарихи институти

**Бегалинова Калимаш Капсамаровна**  
фалсафа фанлари доктори (DSc), профессор,  
Қозогистон Миллий университети

**Хайдаров Муродилла Махмуталиевич**  
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Тожибоев Музаффар Турдибоевич**  
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,  
ИИВ Академияси

**Алиева Лале**  
тарих фанлари доктори (DSc),  
Озарбайжон давлат университети

**Саипова Камола Давляталиевна**  
тарих фанлари доктори (DSc), доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Исмаилова Алмаз**  
тарих фанлари доктори (DSc),  
Догистон мустақил университети

**Иноятова Диларам Маниглиевна**  
Тарих фанлари доктори (DSc), профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Таниева Гулдона Мамановна**  
тарих фанлари доктори (DSc), доцент,  
Низомий номидаги Ўзбекистон Миллий педагогика университети

**Дорошенко Татьяна Ивановна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Бабаджанова Нодира Абдуллаевна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон давлат жаҳон  
тиллари университети

**Ширванова Тарана Амирага кызы**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Азербайдон давлат  
иқтисодиёт университети

**Мирзалиев Улуғбек Бегмурзаевич**  
тарих фанлари бўйича фалсафа  
доктори (PhD), Гулистон  
давлат педагогика институти

**Нуруллаева Шоира Кушназаровна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Урганч давлат университети

**Курбанов Бахтияр Журабаевич**  
тарих фанлари бўйича фалсафа  
доктори (PhD),  
Наманган давлат университети

**Ҳакимова Шоира Сағдуллаевна**  
тарих фанлари бўйича фалсафа  
доктори (PhD), UBS Тошкент филиали

**Толибоева Нодира Одилжоновна**  
тарих фанлари бўйича фалсафа  
доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон  
жаҳон тиллари университети  
**Масъул котиб**

**Теймураз Ахалмосулишвили**  
тарих фанлари номзоди, профессор,  
Телави давлат университети

**Джоробекова Айнур Эшимбековна**  
тарих фанлари номзоди, профессор,  
Қозоғистон дипломатия академияси

**Рахмонқулова Зумрад Бойхуразовна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Исаков Баҳадир Нигматуллаевич**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон давлат жаҳон  
тиллари университети

**Холмуродов Дилшод Рашидович**  
тарих фанлари бўйича фалсафа  
доктори (PhD), Жиззах давлат  
педагогика университети

**Юсупов Аҳмеджон Шоназарович**  
тарих фанлари бўйича фалсафа  
доктори (PhD), доценти  
Urganch davlat universiteti

**Тиллажаева Хуршида Джумаваевна**  
тарих фанлари бўйича фалсафа  
доктори (PhD),  
Тошкент давлат техника университети

**Одилов Аброр Анварович**  
тарих фанлари доктори (DSc), доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети  
**Масъул котиб**

**Исоқов Бахтиёр Робидинович**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Наманган давлат университети

**Тўхтабасв Аъзамжон Шарипхўжаевич**  
тарих фанлари бўйича фалсафа  
доктори (PhD), доцент,  
Наманган давлат университети

**Халмуратов Бахтиёр Режавалиевич**  
тарих фанлари бўйича фалсафа  
доктори (PhD), доцент,  
Наманган давлат университети

**Алимардонов Отабек Қудратович**  
тарих фанлари бўйича фалсафа  
доктори (PhD), доценти  
Ўзбекистон Миллий университети

**Турсунова Юлдуз Бобоқулловна**  
тарих фанлари бўйича фалсафа  
доктори (PhD),  
ЎзР. ФА. Тарих институти

**Азаматова Гулмира Байирбековна**  
тарих фанлари бўйича фалсафа  
доктори (PhD),  
Jizzax davlat pedagogika universiteti

**Каримжонов Жасурбек Мухторжонович**  
тарих фанлари бўйича фалсафа  
доктори (PhD),  
Ўзбекистон Миллий университети


<b>1. Zamira Ishonxo‘jayeva, Ra‘no Maxkamova</b> IKKINCHI JAHON URUSHI YILLARIDA O‘ZBEKISTON SSRDAGI AHOLI EVAKUATSIYASI MASALALARI (R-314 FONDI MATERIALLARI ASOSIDA).....	5
<b>2. Dilrabo Babajanova</b> XX ASRNING IKKINCHI YARMIDA O‘ZBEKISTON YO‘L XO‘JALIGIDAGI TIZIMLI ISLOHOTLAR. (AVTOMOBIL YO‘LLARI* MISOLIDA).....	11
<b>3. Jaxongir Inayatov</b> MUSTAQILLIK YILLARIDA FOTOGRAFIYANING OMMAVIY AXBOROT VOSITALARI VA JAMOATCHILIK HAYOTIDAGI O‘RNI.....	18
<b>4. Nurbek Matyakubov</b> METROPOLITENLAR SOHASIDAGI XALQARO HAMKORLIK ALOQALARI TARIXIDAN.....	24
<b>5. Nodira Radjabova</b> “BUXORCHA” VA “MAVRIGIXONLIK”: ISTIQLOL YILLARIDA YUKSALISH, IJRO VA IJROCHILIK MAHORATI.....	30
<b>6. Abdulxamid Anarbayev, Shukrullo Nasriddinov</b> AXSIKENT ARXEOLOGIYA PARKINING TASHKIL ETILISHI VA UNING TURIZMNI RIVOJLANISHTIRISHDAGI O‘RNI.....	38
<b>7. Sevara Yusupova</b> O‘ZBEKISTONDAGI KAM SONLI MILLAT VAKILLARINING IJTIMOIIY VA MADANIY HAYOTDAGI ISHTIROKI.....	43
<b>8. Гулчехра Абдулхай</b> ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХШУНОСЛИГИДА ТУРКИСТОН АССРНИНГ ТАРИХИНИ ЎРГАНИШДА СОВЕТ ҒОЯВИЙ КОНЦЕПЦИЯСИНИНГ ҚАРОР ТОПИШИ ВА РИВОЖЛАНТИРИЛИШИ МАСАЛАЛАРИ (1925-1950 йиллар).....	46
<b>9. Наргиза Каримова</b> ВЫРАЩИВАНИЕ, ПРОИЗВОДСТВО И ТОРГОВЛЯ БАКАЛЕЙНЫМИ ТОВАРАМИ В УЗБЕКИСТАНЕ В СОВЕТСКИЙ ПЕРИОД.....	58
<b>10. Erkinjon Kenjayev</b> XVI–XIX ASRLARDA MARKAZIY OSIYODA TA‘LIM TIZIMINING INSTITUTSIONAL ASOSLARI: O‘QUV DASTURLARI VA SXOLASTIKA MUAMMOSI.....	63
<b>11. Шоҳида Давурова</b> ЎРТА ОСИЁ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ОЛИМЛАРИ ХУЖЖАТЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ (кимёгар олимлар мисолида).....	67
<b>12. Dilshod Xolmurodov, Shaxobiddin Yusupov</b> O‘ZBEKISTONNING QADIMGI DAVRDAGI ME‘MORIY YODGORLIKLARI.....	74



**Шоҳида Ҳайдаровна Давурова,**  
Ўзбекистон Республикаси  
Фанлар Академияси  
Марказий архиви мудираси  
тарих фанлари бўйича  
фалсафа доктори (PhD)  
shohidadavurova@gmail.com

**ЎРТА ОСИЁ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ОЛИМЛАРИ ҲУЖЖАТЛАРИНИНГ  
АҲАМИЯТИ  
(кимёгар олимлар мисолида)**

**For citation:** Shakhida Kh. Davurova. THE SIGNIFICANCE OF DOCUMENTS BY SCIENTISTS OF CENTRAL ASIAN STATE UNIVERSITY (on the example of chemists). Look to the past. 2026, vol. 9, issue 5/2.

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.20401612>

**АННОТАЦИЯ**

Ушбу мақолада Ўзбекистонда собиқ советлар ва мустақиллик йилларида кимё саноати ишлаб чиқаришининг самарадор технологияларини яратиш, кимё фани ривожланишидаги асосий омиллар, ушбу йўналишда Ўрта Осиё давлат университети ва Фанлар академиясида фаолият юритган олимларнинг илмий мактаби ҳамда уларнинг илмий тадқиқот ишлари асосида кенг ёритиб берилган.

**Калит сўзлар:** кимё, хом ашё, минерал, полимер, фундаментал, дефолиант, ўғит, суперфосфор, фосфорит, глюкозид

---

**Давурова Шахида Ҳайдаровна,**  
Заведующий Центральным архивом  
Академия наук Республики Узбекистан  
доктор философии (PhD) по  
историческим наукам  
shohidadavurova@gmail.com

**ЗНАЧЕНИЕ ДОКУМЕНТОВ УЧЕНЫХ СРЕДНЕАЗИАТСКОГО  
ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА  
(на примере ученых-химиков)**

**АННОТАЦИЯ**

В данной статье широко освещаются создание эффективных технологий производства химической промышленности в Узбекистане в годы бывшего Советского Союза и

независимости, основные факторы развития химической науки, научная школа ученых, работавших в этом направлении в Среднеазиатском государственном университете и Академии наук, а также их научно-исследовательские работы.

**Ключевые слова:** химия, сырье, минерал, полимер, фундаментальный, дефолиант, удобрение, суперфосфор, фосфорит, глюкозид

**Shakhida Kh. Davurova,**  
Head of the Central Archive  
Academy of Sciences of Uzbekistan  
doctor of philosophy (PhD)  
in history sciences  
shohidadavurova@gmail.com

## THE SIGNIFICANCE OF DOCUMENTS BY SCIENTISTS OF CENTRAL ASIAN STATE UNIVERSITY (on the example of chemists)

### ABSTRACT

This article extensively highlights the creation of efficient production technologies for the chemical industry in Uzbekistan during the former Soviet era and the years of independence, the main factors in the development of chemical science, the scientific school of scientists working in this field at Central Asian State University and the Academy of Sciences, as well as their scientific research works.

**Index Terms:** chemistry, raw materials, mineral, polymer, fundamental, defoliant, fertilizer, superphosphorus, phosphorite, glucoside.

### Кириш:

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз илм-фани ва таълим тизимини ҳар томонлама ривожлантириш, минг йилликлар давомида кўҳна ва қадимий заминимизда яратилган бой илмий-маданий меросни асраб-авайлаш, уни янада бойитиш, миллий қадриятлар ва анъаналарни тиклаш, халқ хўжалигининг устувор тармоқларини илғор технологиялар билан таъминлаш ҳамда ёш, истеъдодли олимларни тарбиялаш бўйича янги илмий тадқиқотлар олиб борилиши Ўрта Осиё давлат университети (ҳозирги - Ўзбекистон Миллий университети) ва Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг имкониятларини янада кенгайтирди. Шу ўринда, Ўзбекистоннинг биринчи Президенти И.А. Каримовнинг Фанлар академиясига берган қуйидаги таърифлари алоҳида аҳамиятга эгадир: “Ўзбекистоннинг келажаги тўғрисида ўйлаганимизда, уни Фанлар академиясиз тасаввур этиб бўлмайди. Академия эса миллат фахри, мамлакат обрў-эътиборининг рамзига айланиши керак... Фанлар академияси шундай бир даргоҳки, у ўзига нисбатан алоҳида ёндашувни талаб этади. Унга ишлаб чиқариш корхонаси эмас, балки тафаккур, ихтирочилик ва яратувчиликнинг йирик маркази сифатида ёндашиш ҳамда ҳар бир олимнинг ўзига хос эҳтиёжидан келиб чиқиб муносабатда бўлиш тақоза этилади”[1. Б. 2].

Бугунги кунда мамлакатимиз истиқболини белгилаб берадиган замонавий илм-фаннинг геология соҳасида нефть, газ, олтин, рангли ва қимматбаҳо металллар конларини аниқлаш, уларни қазиб олиш ва қайта ишлаш технологияларини яратиш, Умумий ва ноорганик кимё, ўсимлик моддалари кимёси, биорганик кимё ва полимерлар кимёси ва физикаси фанлари каби етакчи соҳаларни ривожлантириш Ўрта Осиё давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети) ва Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси илмий тадқиқот муассасалари фаолияти билан бевосита узвий боғланган.

### Адабиётлар таҳлили:

Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Фан ва инновацион фаолиятни давлат миқёсида қўллаб-қувватлаш чоралари ва Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси илмий ташкилотларини молиялаштириш тизимини

такомиллаштириш ҳамда самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 60 ва 80-йиллик юбилейларига бағишланган тўпламларидаги маълумотлар асосида Ўзбекистонда собиқ советлар ва мустақиллик йилларида кимё фани ривожланишидаги асосий омиллар, тупрокнинг агрокимёвий тузилишини яхшилаш, активлаштириш ва модификациялаш йўли билан табиий минерал ўғитларнинг физик-кимёвий хусусиятлари комплексини мақсадли ўзгартиришлар мунтазам равишда тадқиқ этилишига кенг имконият берилганлиги алоҳида қайд этилган.

Ҳозирги пайтда саноат ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши, қурилиш, тиббиёт, атроф-муҳит муҳофазаси, сувни тозалашнинг аниқ эҳтиёжларини эътиборга олган ҳолда кимёвий технологиянинг бир қатор жараёнларини оптималлаш йўллари аниқлаш кимёгар олимларнинг диққат марказида бўлиб келаётганлиги кўрсатиб ўтилган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Марказий архивида сақланаётган Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Бошқарув аппарати шахсий таркиб ҳужжатларига оид 1-фондининг, 1-рўйхатидаги 149-йиғмажилди, 2-рўйхатининг 87, 206, 250, 290, 514-йиғмажилдларидаги машҳур академиклар *М.Н. Набиев*, *К.С. Ахмедов*, *С.Ю. Юнусов*, *О.С. Содиқов*, *Ш.И. Салихов*, *Т.Ф. Ариповлар*, фан докторлари *И.С. Канцеловский*, *Н.К. Абубакиров*, *М.Р. Ягудаев*, *Я.В. Рашкес* ва *Б. Тошхўжаевлар* шахсий ва илмий фаолиятидаги маълумотлар асосида умумий ва ноорганик кимё, ўсимлик моддалари кимёси, биорганик кимё ҳамда полимерлар кимёси ва физикаси йўналишида амалга оширилган илмий тадқиқот ишлари ва илмий мактабларнинг назарий ва амалий аҳамияти кенг ёритиб берилган.

#### **Таҳлил ва натижалар:**

Ўзбекистон Республикасида кимё ва кимёвий технологиялар соҳасида мустақиллик йилларида олиб борилган илмий тадқиқотлар натижасида жаҳон миқёсида улкан ютуқларга эришилди. Фанлар академиясида алоҳида фан йўналишлари бўйича илмий мактабларнинг вужудга келиши кимё ва кимё технологияси соҳасида илмий текшириш институтлари, марказлар, лабораториялар, кафедраларнинг ташкил этилишига олиб келди.

Ҳозирда Фанлар академияси тасарруфида кимё фани йўналаши бўйича Умумий ва ноорганик кимё институти, академик С.Юнусов номидаги Ўсимлик моддалари кимёси институти, академик О.Содиқов номидаги Биорганик кимё институтлари фаолият кўрсатиб келмоқда. Республикамиз ҳукумати мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб, илм-фаннинг ривожланишини устувор йўналиш деб ҳисоблаб, уни давлат миқёсида қўллаб-қувватламоқда.

Мамлакатимизда кимё фанининг янада ривожланишида мустақил Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И.А. Каримовнинг 1992 йил июль ойида бир қатор кимё институтларида бўлиши ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 21 июлида қабул қилинган “Фан ва инновацион фаолиятни давлат миқёсида қўллаб-қувватлаш чоралари тўғрисида”ги 337-сонли Қарори катта аҳамиятга эга бўлди [2. Б. 12].

Хусусан, кимё-технология фанлари, кимё ва гидролиз саноатини ривожлантириш, табиий ва синтетик полимер ашёларнинг кенг қўламдаги турларини яратиш учун зарур бўлган хом ашё макони сифатида Ўзбекистоннинг катта истикболга эгаллиги алоҳида аҳамиятга эгадир. Ўзбекистон кимё саноатини ривожлантириш мақсадида Фанлар академиясининг йирик кимёгар олимлари Ўрта Осиё давлат университетининг машҳур олимлари билан ҳамкорликда йирик илмий тадқиқот ишлари амалга оширилган. Жумладан, назарий ва амалий коллоид кимёси бўйича олиб борилган илмий изланишлар тупрокнинг агрокимёвий тузилишини яхшилаш, чўл шароитларида тупрок ҳосил қилиш жараёнларининг интенсивлигини ошириш бўйича амалий тавсияларни ишлаб чиқиш ва уни амалиётга жорий этиш билан бевосита боғлиқ ҳолда олиб борилган.

Айнан, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси (кейинги ўринларда – ЎЗР ФА) Умумий ва ноорганик кимё институтининг фундаментал ва амалий тадқиқотлари ҳам

Республикамиз мустақиллигини иқтисодий жихатдан таъминловчи нефть ва газ саноати, рангли металлургия, кимё саноати ҳамда қурилиш материалларини ишлаб чиқаришнинг самарадор технологияларини яратишга йўналтирилган эди. Институтнинг асосий илмий йўналиши Ўзбекистоннинг ёқилғи ва минарал хом ашёларини кимёвий йўл билан комплекс қайта ишлашнинг илмий ва амалий асосларини ишлаб чиқишдан иборат эди. Институт лабораторияларида янги бирикмаларни яратиш, унинг хоссалари билан таркиби, тузилиши орасидаги боғлиқликларнинг қонуниятларини ўрганиш бўйича фундаментал ва амалий тадқиқотлар олиб борилган.

Жумладан, 1930-1932 йилларда машҳур академик М.Н. Набиев (1913-1992) Ўрта Осиё давлат университетининг кимё факультетини мувоффақиятли тамомлаб, ЎзР ФА Кимё Институтида 1950-1970 йилларда ноорганик кимё, дефолиантлар, ўғитлар кимёвий технологияси ва кимёвий асослари йўналиши бўйича йирик илмий мактабни шакллантирган [3.В.16-17]. Ушбу мактаб илмий ходимлари М.Н. Набиев раҳбарлигида маҳаллий ўғитларнинг кимёвий моҳиятини ва физик-кимёвий хоссаларини, уларнинг алоҳида тузилиши компонентларини ўрганиб, янги ўғит турларини синтез қилиш усуллари ишлаб чиқилган ҳамда турли ўсимликларнинг глюкозид таркиблари текширилиб илмий таҳлил этилган.

Шу билан бирга, академик А.Н. Набиев раҳбарлигида ўғитлар ва инсектофунгицидлар илмий-тадқиқот институти, Қўқон ва Самарқанд суперфосфор заводлари билан ҳамкорликда Қоратоғ фосфоритларидан олинган суперфосфатни аммонийлаштириш усули ишлаб чиқилган ва амалиётда саноат корхоналарига жорий этилган. Ушбу илмий тадқиқот иши учун А.Н. Набиев 1968 йилда Абу Райхон Беруний номидаги давлат мукофоти билан тақдирланган. Академик М.Набиев ўз илмий фаолияти давомида ноорганик кимё ва ўсимлик моддалари кимёси йўналишидаги илмий ихтиролари учун 94 та муаллифлик гувоҳномасига эга бўлиб, 400 та илмий мақолалар, 15 та фундаментал монографиялар ҳамда 10 та мавзули тўпламларни чоп эттирган [4. Б. 16].

Яна бир таниқли кимёгар олим Карим Содиқович Аҳмедов (1914-2003) бўлиб, у 1932 йил Тошкент давлат университетининг кимё факультетига ўқишга кириб, 1936 йилда университетни имтиёзли диплом билан битирган. К.С. Аҳмедов ўзининг илк педагогик фаолиятини 1936 йилда Ўрта Осиё давлат университетида кимё ва математика фанларидан маъруза ва амалий машғулотлар олиб боришдан бошлайди. 1958-1970 йилларда К.С. Аҳмедов Ўз ССР ФА Кимё институтида янгидан ташкил этилган коллоид кимёси лабораториясида ўз илмий фаолиятини олиб бориб, коллоид кимё ва коллоид кимёси жараёнлари йўналишлари бўйича катта илмий мактаб яратади [5. Б. 3].

Институтда К.С. Аҳмедов илмий раҳбарлигида сувда эрийдиган полимер моддалар - препаратлар олиш, уларнинг физик-химиявий хоссаларини ва турли дисперс системалар билан ўзаро таъсир механизмини ўрганиш бўйича катта илмий тадқиқот ишлари олиб борилади. Бу илмий тадқиқот натижасида маҳаллий юқори самарали сирт-фаол модда - универсал таъсирга эга сувда эрувчан К-4 полимер полиэлектролити ишлаб чиқилиб, уни халқ хўжалигининг бир қатор тармоқларида қўллашнинг назарий асослари изоҳлаб берилди.

ЎзР ФА Умумий ва ноорганик кимё Институтида 1930 йиллардан силикат материаллар кимёси ва кимёвий технологиялар йўналишларида илмий тадқиқотлар олиб борган яна бир олим И.С.Канцполский (1903-1976) эди [6. Б.2]. Ёш кимёгар олим 1923-1930 йилларда Ўрта Осиё университетининг кимё факультетида таҳсил олган. 1930-1940 йилларда И.С. Канцпольский илмий тадқиқотлари асосида Умумий ва ноорганик кимё Институтида Ўзбекистон саноат қурилишида фойдаланилиши учун маҳаллий хом ашёдан ўрмон цементи, доломит цементи, глиеж-портланд цемент ва сульфатга чидамли глиек портланд-цементлар яратилди.

Натижада 1940 йилдан Ўзбекистондаги йирик Қувасой цемент заводида ва 1948 йилдан эса бошқа заводларда ҳам олимнинг илмий тадқиқоти асосида яратилган глиек-портланд-цементи ишлаб чиқарила бошланган. Олимнинг илмий фаолияти давридаги сифатли цемент хом ашёларини ишлаб чиқариш назарияси ва технологиясини

ривожлантиришга оид илмий ишлари ҳақидаги маълумотлар Бутуниттифок илмий-амалий конференциялар тўпламлари ва даврий матбуот материалларида чоп этилган жами 74 та илмий мақолалари ва 3 та йирик монографиясида батафсил ёритиб берилган. Ҳозирги даврдаги кимё фанида силикатли ва оксидли бирикалар олиш ва улар асосида янги ашёлар яратиш, ишлаб чиқаришнинг самарали усуларини ишлаб чиқиш, ишлаб чиқаришнинг маҳаллий хом ашёси ва чиқиндиларидан фойдаланган ҳолда силикат қурилиш ашёлари сифатини ошириш ўтказилаётган илмий тадқиқотларда асосий устивор вазифа ҳисобланади.

1956 йилда Ўз ССР ФА таркибидаги Кимё Институтининг алколоидлар кимёси лабораторияси негизда “Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Собир Юнусов номидаги Ўсимлик моддалари Инститuti” ташкил этилган. Ўсимлик моддалари Институтининг ташкил этилишида узоқ йиллар мобайнида ноорганик кимё, ўсимлик моддалари кимёси ва биорганик кимё фанлари йўналишларида илмий тадқиқот ишларини олиб борган машҳур олим – С.Ю. Юнусов (1909-1995) алоҳида ўрин тутган [7. Б.16].

С.Ю. Юнусов 1930-1935 йилларда Ўрта Осиё давлат университетининг кимё факультетида таҳсил олиб, олий маълумотли органик-кимёгар мутахасислиги дипломига эга бўлган. 1943-1970 йилларда ФА Ўсимлик моддалари Институтда С.Ю. Юнусов раҳбарлигида алкалоидлар кимёси лабораториясида катта илмий мактаб яратилиб, Ўзбекистондаги 4000 дан ортиқ ўсимлик турларининг турли вегетация даврларида алкалоидлар таркиби ўрганилиб, 170 дан ортиқ ўсимлик турлари чуқур кимёвий тадқиқ қилинганлиги, 700 та алкалоид ажратиб олинганлиги, улардан 380 таси янгидан яратилганлиги, 330 тасининг тузилишлари исботлаб берилган.

Академик С.Ю.Юнусов Институтдаги фаолияти даврида кўп йиллар давомида ортирилган тажрибаси асосида ўсимлик моддаларини комплекс тадқиқ қилиш ва олинган илмий натижаларни амалиётга тадбиқ этишга йўналтирилган фитокимёвий тадқиқотларнинг конвейр тизимини ишлаб чиқади. Ўсимликлар фитокимёвий тадқиқотларининг конвейр комплекс тизими биологик ва кимёвий тадқиқотлар, ажратиб олинган моддаларнинг биологик скрининг бирикмаларини ўтказиш, фармокологик ва токсикологик хоссаларини ўрганиш (клиник олди синовлари), субстантсиялар ва дори шакллариини ишлаб чиқаришни яратиш каби жараёнларни камраб олган.

1937-1941 йилларда Ўрта Осиё давлат университетиде таҳсил олган яна бир кимёгар олим Н.К. Абубакиров (1919-1998) бўлиб, унинг раҳбарлигида ФА Ўсимлик моддалари Институтиде глюкозидлар кимёси бўйича экдистероид гормонлар ва уларнинг аналоглари ҳақида йирик илмий тадқиқот ишлари олиб борилган [8. Б. 6]. 1956 йилдан Н.К. Абубакиров Ўсимлик моддалари Институтининг глюкозидлар кимёси лабораториясига раҳбарлик қилиб, бу лабораторияда олиб борилган илмий тадқиқот ишлари асосида 225 турдаги ўсимликларнинг глюкозид таркиби текширилади ва улардан 19 тасида юрак глюкозидлари борлиги аниқланади. Шу билан бирга Н.К. Абубакиров Республикамизда кенг тарқалган жут ўсимлиги уруғида янги глюкозид - олиторизид борлигини аниқлайди, унинг тузилиш таркибини илмий таҳлил этиб, уни импорт қилинадиган строфантин-К ўрнига кардиотоник восита сифатида тиббиёт амалиётида қўллаш учун тавсия этади. Ушбу илмий тадқиқотлари асосида Н.К. Абубакиров кимё фанлари бўйича докторлик диссертацияси ишини химоя қилиб, кимё фанлари доктори илмий даражасини олади.

Институтда мустақиллик йилларда Н.К. Абубакировнинг шогирдлари М.Р. Ягудаев, Я.В. Рашкес ва Б. Тошхўжаев каби фан докторлари табиий ва синтетик биорегуляторлар кимёси йўналишларини ривожлантириш учун самарали илмий фаолият олиб борган. Улар раҳбарлигида Институтда олиб борилган илмий тадқиқотлар натижасида 1200 дан ортиқ алкалоидлар, 350 дан ортиқ глюкозидлар, 500 га яқин кумарин, флаваноид, мураккаб эфирлар, лактонлар, 50 ортиқ липидлар, 30 дан ортиқ полисахаридлар ажратиб олинди, 550 та янги алкалоидлар, 250 та глюкозидлар, 400 дан ортиқ янги кумарин, флаваноид, терпеноид, мураккаб эфирлар, лактонларнинг кимёвий тузилишлари аниқланган [9. Б. 57].

Ўзбекистонда кимё фанининг янги соҳаси – биоорганик кимё бўлиб, ЎЗР ФА биоорганик кимё Инститuti 1977 йилда ЎЗР ФА таркибидаги биоорганик кимё бўлими(1973)

негизда ташкил этилган. Бу Институтнинг асосчиси ва биринчи директори академик Содиқов Обид Содиқович (1913-1987) ҳисобланади [10. Б. 16]. 1932-1937 йилларда Обид Содиқов Ўрта Осиё давлат университетининг кимё факультетида таҳсил олган. Биоорганик кимё Институтининг биорганик кимё фани бўйича илмий тадқиқотлар олиб борган таниқли олимларнинг илмий кашфиётлари асосида бир қатор илмий йўналишлар ва мактаблар яратилди.

Жумладан, О.Содиқов раҳбарлигида Институт илмий ходимлари Ўзбекистоннинг асосий техник экини ғўзанинг ўсимлик моддаларини ўрганиб, гармон боғловчи оксиллар тузилишининг ғўза ривожланиши ва ўсиш жараёнларига таъсирини ўрганиш соҳасида муҳим илмий натижаларни қўлга киритган. Ғўзапоядан ажратиб олинган фитогармонлар рецепторларининг физик-кимёвий хоссалари тўлиқ ўрганилиб, уларнинг ғўза барги тўкилишидаги регуляторлик роли далиллаб берилган. Ғўза дефоляциясида содир бўладиган жараёнларнинг молекуляр механизми аниқланган ҳамда ушбу жараённи тезлаштирувчи моддалар кўрсаткичлари ишлаб чиқилган.

Академик Ш.И. Салихов ҳам 1962-1967 йилларда Тошкент давлат университети биология факультетининг биорганик кимё йўналишида таҳсил олиб, олий маълумотли биорганик-кимёгар мутахассислиги дипломига эга бўлган [11. Б. 279]. Ш.И. Салихов 1970-1981 йилларда ЎзР ФА Биорганик кимё Институтининг илмий ходим ва лаборатория мудирининг, 1993-2006 йилларда Институт директорининг, 2006 йилнинг март ойидан 2017 йилнинг январь ойларига қадар ЎзР ФА Президенти лавозимларида ўз фаолиятини давом эттирган. Академик Ўзбекистонда оксил кимёсининг асосчиси бўлиб, унинг илмий тадқиқотлари келиб чиқиши табиий бўлган биологик фаол бирикмалар, токсинлар, ферментлар, пептидлар ва бошқа биологик фаол компонентлар тузилиши ҳамда функциясини ўрганишга йўналтирилган. Академик ҳозирда Биорганик кимё Институтининг директорининг лавозимида фаолият олиб бориб, *350 та илмий тўпламлар, 2 та монография, 56 та илмий кашфиётлар ҳамда 40 та патентлик гувоҳномалари* муаллифи ҳисобланади. Хитойда фан ва техника ривожига қўшган ҳиссаси учун Хитой Фанлар академиясининг хорижий аъзоси этиб сайланган.

Яна бир академик Т.Ф. Арипов (1945) – 1965-1970 йилларда Тошкент давлат университети биология факультетининг биорганик-кимё йўналишини тамомлаган. 1971-1985 йилларда Биорганик кимё Институтининг илмий ходим, лаборатория мудирининг лавозимларида ишлаган [12.Б.303]. 1997 йилдан эса ЎзР ФА вице-президенти лавозимида фаолият юритган. Физик-кимёвий усуллар ёрдамида биологик фаол моддаларни ва таъсир механизмларини, яъни *ин vitro, ин vivo ва ex vivo* тадқиқ этиш илмий мактабини яратган. *100 та* илмий тадқиқот ишлари, *12 та* илмий кашфиётлар муаллифи, *10 нафар* фан номзодлари *3 нафар* фан докторларини тайёрлаган.

Институтда мустақиллик йилларида олиб борилган инновацион илмий тадқиқотлар натижасида гриппга қарши оригинал Рутан препаратини ишлаб чиқариш ташкил этилди. Хусусан, “Рутан таблеткалари, 0,1 №10”. Грипп ва “COVID-19”ни даволаш учун ГМП талабларига мувофиқ “Рутан таблеткалари, 0,025 №20” препаратларини Халқаро “China-Uzbekistan medicine technical park” МЧЖ қўшма корхонада, шунингдек, “RADIKS” МЧЖда ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Асосий биокимёвий параметрларни ҳисобга олган ҳолда ғўзанинг элита навлари ва линияларини вилтга чидамлилигини баҳолаш учун тест тизими ишлаб чиқилди. Янги районлаштирилган навларни яратишда ғўзанинг вилтга чидамлилигини аниқлаш учун тезлаштирилган тест тизимини қўллаш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилди.

#### **Хулоса:**

Хулоса қилиб айтганимизда, Ўрта Осиё давлат университетининг таҳсил олган йирик олимлар ва академиклар, Фанлар академияси тизимидаги кимё йўналиши илмий муассасаларида фаолият олиб бориб, Республикамизни иқтисодий жиҳатдан таъминловчи нефть ва газ, рангли металлургия ва кимё саноатлари ишлаб чиқаришининг самарадор технологияларини яратиш, ўсимликлардан олинган бирикмаларнинг кимёвий тузилишини тадқиқ этиш, биологик фаол моддаларни синтез қилиш ва улар асосида сифатли доривор

препаратлар ишлаб чиқариш бўйича фундаментал ва амалий комплекс тадқиқотлар олиб борилишида, уларнинг кенг қўламли таҳлилини замонавий тадқиқот усулларидадан фойдаланган ҳолда амалга оширилишида ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшиб келмоқда.

### Iqtiboslar/Сноски/References:

1. Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И.А. Каримовнинг ФА 60-йиллиги юбилейи муносабати билан Ўзбекистон Фанлар Академиясининг аъзоларига, барча илмий ходимларига табриги «Халқ, сўзи» газетаси, 2003 йил 23 декабрь (Congratulations of the First President of the Republic of Uzbekistan I.A. Karimov to the members and all scientific workers of the Academy of Sciences of Uzbekistan on the occasion of the 60th anniversary of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan. "Khalk Suzi" newspaper, December 23, 2003.)
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 21 июлида қабул қилинган “Фан ва инновацион фаолиятни давлат миқёсида қўллаб-қувватлаш чоралари тўғрисида”ги 337-сонли қарори ва 2020 йил 8 июндаги “Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси илмий ташкилотларини молиялаштириш тизимини такомиллаштириш ҳамда самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 366-сонли қарорининг 18-21-иловалари (Appendices No. 18-21 to the Resolution of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan dated July 21, 1992, No. 337 "On measures for state support of science and innovation activities" and the Resolution of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan dated June 2020, No. 366 "On measures to improve the system of financing and increase the efficiency of scientific organizations of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan.")
3. ЎЗР ФА МА, 1-фонд, 1ш-рўйхат, 149-йиғмажилд. 16-17-варақлар (Central Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan, fund-1, inventory-1sh, file-149. sheets 16-17.)
4. ЎЗР ФА МА, 1-фонд, 2ш-рўйхат, 290-йиғмажилд. 63-66-варақлар. (Central Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan, fund-1, inventory-2, file-290, pp. 63-66.)
5. Ўша ҳужжат. 16-17- варақлар. (The same document. sheets 16-17.)
6. ЎЗР ФА МА, 1-фонд, 2ш-рўйхат, 250-йиғмажилд, 3-1-варақлар. (Central Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan, fund-1, inventory- 2sh, file-250, sheets 3-1.)
7. ЎЗР ФА МА, 1-фонд, 2ш-рўйхат, 87-йиғмажилд. 2-10-варақлар. (Central Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan, fund-1, inventory-2sh, file-87. sheets 2-10.)
8. ЎЗР ФА МА, 1-фонд, 2ш-рўйхат, 206-йиғмажилд. 16-17-25-варақлар (Central Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan, fund-1, inventory-2sh, file 206. sheets 16-17-25.)
9. ЎЗР ФА МА, 1-фонд, 2ш-рўйхат, 514-йиғмажилд, 6-7-варақлар. (Central Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan, fund-1, inventory-2sh, file-514, sheets 6-7.)
10. ЎЗР ФА 60-йиллигига бағишланган тўплам, - Тошкент, Фан. 2003. – Б. 57. (Collection dedicated to the 60th anniversary of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan 2003. – P. 57.)
11. ЎЗР ФА 80-йиллигига бағишланган тўплам. – Тошкент, Фан. 2023. – Б. 279. (Collection dedicated to the 80th anniversary of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan - Tashkent, Fan. 2023. – P. 279.)
12. ЎЗР ФА 80-йиллигига бағишланган тўплам... – Б. 303. (Collection dedicated to the 80th anniversary of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan... – P. 303.)

# ЎТМИШГА НАЗАР

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ  
LOOK TO THE PAST

**Editorial staff of the journals of [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**

Tadqiqot LLC the city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)

Phone: (+998-94) 404-0000

**Контакт редакций журналов. [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**

ООО Тадқиқот город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)

Тел: (+998-94) 404-0000